Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
28-may,
shanba
№ 64
(3725)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг***
**ҚАРОРИ**

# 2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида

**Республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақаларида талаб этиладиган ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, олий таълим муассасаларига қабул қилишда иш берувчиларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжларини, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларнинг мақсадли ўрта муддатли дастурларини амалга ошириш, тармоқларни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашни, мамлакат минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқлиги ва мутаносиблигини кучайтириш мақсадида:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, акциядорлик компаниялари, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги «Республика олий ўқув юртларига қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2360-сонли қарорига мувофиқ олий ўқув юртларига қабул қилиш параметрлари ва янги қурилаётган корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш омилларини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртларининг битирувчиларига нисбатан иш берувчиларнинг талаб-эҳтиёжи баланс ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилди;

иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг олий маълумотли мутахассислар билан амалда таъминланганлигини экспертизадан ўтказиб баҳолаш натижаларига кўра бакалавриат тайёрлашнинг 18 та янги мутахассислиги жорий этилишини назарда тутувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритилди;

олий ўқув юртларининг аниқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича битирувчиларига нисбатан истиқболга мўлжалланган талаб-эҳтиёжга, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги асосида 2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

2. 2016/2017 ўқув йили учун:

бакалаврларни 57907 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 19120 ва тўлов-контракт асосида — 38787 нафар миқдорида 1-иловага мувофиқ;

магистрларни 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1548 ва тўлов-контракт асосида — 3452 нафар миқдорида 2-иловага мувофиқ;

Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртқи бўлимида бакалаврларни тайёрлаш давлат грантлари бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимида — 50 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 15 нафар ва тўлов-контракт асосида — 35 нафар қабул қилиш умумий квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалига ўқишга қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, бакалавриат ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун биринчи навбатда фундаментал ва техник мутахассисликлар бўйича етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин;

олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо беришда ва моддий рағбатлантиришда уларнинг хорижий тилларни қай даражада эгаллаганлигига ҳамда замонавий педагогик, мултимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида қўллай олиш савиясига аҳамият берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли Фармонига биноан ташкил қилинган мамлакат олий ўқув юртларининг 15 та таянч марказларида олий таълим муассасаларининг раҳбар ва профессор-ўқитувчилар таркибини янги ўқув дастурлари ва таълим услублари бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни 2016 йилнинг 1 июлидан ташкил қилишни таъминласин, шу мақсадда чет эллардаги етакчи олий таълим муассасаларининг олимлари ва профессорларини кенг жалб қилсин.

5. 2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси)нинг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига бакалавриат тайёрлашнинг йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда бакалавриат ва магистратурага қабул қилишнинг белгиланган умумий квоталари доирасида олий таълим муассасаларига қабул қилиш параметрларига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакалавриат ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда:

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификаторига янги киритилаётган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

шу йилнинг 1 августига қадар янги киритилаётган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2016/2017 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага қабул қилиш бўйича белгиланган квоталарни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзларининг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 26 май*

«Универсиада — 2016»



*Мен, сиз, азиз фарзандларимнинг халқаро майдонларда — бу илм-фан, маданият ва санъат бўладими, спорт мусобақалари бўладими, барча соҳаларда эришаётган умидбахш ютуқларингиз ҳақида қачонки эшитсам, хабар топсам, хурсандчилигим, сизларга бўлган меҳрим ва ишончим янада зиёда бўлади, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўламан.*

**Президент Ислом КАРИМОВнинг «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригидан**

# Озод юртнинг бахтиёр ёшлари

**Гўзал Фарғонада бошланган, талабаларнинг «Кичик Олимпиада»си номини олган «Универсиада — 2016» спорт мусобақаларининг очилиш маросими тантаналари ниҳоятда кўтаринки тарзда бўлиб ўтди.**

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан спорт тадбири иштирокчиларига йўлланган табрик барча қатнашчиларга, талабаларга, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларига, юртимиз меҳмонларига байрамона кайфият улашди.

«Универсиада — 2016» спорт ўйинлари машъаласини бокс бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, ўсмирлар олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори, олимпиада йўлланмаси соҳиби Бектемир Меликўзиев ва теннис бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар ҳамда 2014 йил Наманганда ўтган «Баркамол авлод» ўйинлари совриндори, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвиноз Саидхўжаева ёқади.

Байрамона руҳда кечган очилиш маросимида турли бадиий дастур ва кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Айниқса, миллий эстрадамизнинг таниқли юлдузлари ҳамда водийлик санъаткорлар чиқишлари ёшлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

(4).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Баркамол авлод – келажак пойдевори

**Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш устувор вазифага айланди. Хусусан, жорий йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинишида ҳам эртага юрт корига ярайдиган, соғлом ва етук авлодни вояга етказишдек эзгу ғоя мужассам.**



Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилором Аҳмедова билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

***— Дилором Илҳомовна, соғлиқни сақлаш соҳасини янгилаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ мамлакатимизда халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган тиббиёт тизими шаклланди. Бу борада болалар саломатлигига берилган эътибор хусусида мулоҳазаларингизни билмоқчи эдим.***

— Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришгач, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши масалаларига, хусусан, тиббиёт хизмати сифатини ошириш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу давлатимиз ва ҳукуматимизнинг қатор асосий ҳужжатларида қайд этилган. Улар орасида аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ўсиб келаётган авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, улар соғлигини муҳофаза этиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинини янада такомиллаштириш, ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдамнинг самарали амал қилишига қаратилган ҳужжатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда Конституция қабул қилинганидан сўнг биринчилар қаторида ратификация қилинган халқаро ҳужжат «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциядир.

Болаларга юқори сифатли ва халқаро стандартлар талаби даражасида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш тартиби жорий қилинган. Шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий ва илмий базасини тубдан такомиллаштириш, педиатрия соҳасида диагностика, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор технологияларини қўллаш ва шу йўналиш бўйича юқори малакали мутахассисларнинг билими ва касб малакасини ошириш болалар орасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга қаратилган асосий чора-тадбирлардир.

(2).

Репортаж

**Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтаётган «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остидаги Китоб байрами адабиётга ошно кўнгилларни янада яқинлаштирди.**

# Маънавият сарчашмаси

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа қатор давлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда 150 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари иштирок этаяпти.

Миллий адабиётимиз, маънавиятимизга эътибор ҳамда ғамхўрликни кучайтириш, ёш авлодга эзгу ғояларни сингдириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда тўрт йилдан бери ўтказиб келинаётган китоб байрами айни муддао бўлаётир.

(4).

Бунёдкорлик

**Бухоро вилоятидаги «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида жаҳон андозалари талабларига мос равишда барпо этилган 200 ўринли янги ётоқ биноси ҳамда бир йўла 100 кишига хизмат кўрсатувчи «Аэросолярий» қуруқ ҳаво билан даволаш бўлимиинng тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг 25 йиллик тантаналарига муносиб туҳфа сифатида барпо этилган мазкур иншоотнинг биринчи меҳмонлари уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлишди.**

# «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси янги қиёфа касб этди

Тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вилоят ҳокимлиги, Федерация Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси мутасаддилари, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган отахон ва онахонлар иштирок этдилар.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ушбу масканда дам олувчилар учун яратилган шарт-шароит ва қулайликларни янада кенгайтириш имконини берди. Янгидан қурилган ётоқ бўлими ва даволаш блокига замонавий тиббий асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар ҳамда барча зарур жиҳозлар ўрнатилди. Ушбу мақсадларга Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 7 млрд. 280 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, сиҳатгоҳ ҳудудида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Замонавий ташхислаш ва даволаш хоналари, физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ билан даволаш, жисмоний тарбия, уқалаш, фитобар билан бирга, шинам ошхона, клуб, спорт майдончалари, кутубхона, бассейн, сауна дам олувчилар учун сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишларида ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган 17 та санаторийда ҳар йили 100 минг нафардан ортиқ меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштириляпти. Бунда, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, фертил ёшидаги хотин-қизлар, чекка ҳудудларда яшовчи аёллар, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Мазкур йўналишлардаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг жаҳон андозалари талаби даражасида амалга оширилишини таъминлашга бўлган эътиборни ҳозиргиданда кучайтириш мақсадида босқичма-босқич кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, реконструкция, моддий-техник негизни мустаҳкамлаш, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари фикримиз далилидир.

Бу каби эзгу ишлар мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиш билан бирга, тизимдаги сиҳатгоҳларда мавжуд табиий омиллардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, аҳолини соғломлаштириш билан янада кенгроқ қамраб олиш имконини бермоқда.

«Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида олиб борилган бунёдкорлик натижасида бугун сиҳатгоҳ бир йўла 400 нафар дам олувчини қабул қилиш қувватига ҳамда малакали тиббий ва сервис хизмати кўрсатиш имконига эга бўлди. Бу эса турмуш сифати ва даражаси йил сайин ортиб бораётган республикамиз аҳолисининг санаторийлар ва дам олиш масканларига бўлган эҳтиёж ва талабларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири — кейинги йилларда нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижий давлатлар фуқаролари ҳам мазкур санаторийда дам олиб, даволаниш истагини билдирмоқда. Хусусан, ўтган йили «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида 100 нафарга яқин хорижлик фуқаролар дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрда имзоланган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ҳар бир санаторийда, шу жумладан, «Ситораи Моҳи Хоса» сиҳатгоҳида «Уруш ва меҳнат фахрийлари» бўлими ташкил этилиб, кекса авлод вакиллари учун махсус жиҳозланган хоналар ажратилган. Шунингдек, даволаш масканларида ташкил этилган шошилинч тиббий ёрдам хоналари белгиланган тартиб бўйича жиҳозланиб, уларда тиббиёт ходимларининг туну кун навбатчилиги йўлга қўйилган. Санаторийга келган уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, жисмоний имконияти чекланган инсонларни олиб юриш учун алоҳида эвакуатор (ходим) бириктирилиб, ногиронлик аравачалари билан таъминланган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида Давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари давлат бюджети ҳисобидан дам олдирилиб, саломатлиги мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, республика миқёсида ташкил этилган «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида турли соҳаларда меҳнат қилиб, юртимиз тараққиётига ўзининг фидокорона меҳнати билан салмоқли ҳисса қўшган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари бепул дам олдирилмоқда.

Сиҳатгоҳда улар учун барча шарт-шароит яратилиб, кексалар ва фахрийлар учун ажратилган ётоқ бўлимининг ўзида санитария талабларига жавоб берувчи муолажа хоналари ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирига малакали шифокор ва ҳамширалар бириктирилган. Уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилиши керак бўлган тиббий ва бошқа хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида мутахассислар томонидан кексаларни соғломлаштириш, тўғри овқатлантириш масалалари, психолог муолажалари ҳамда улар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш ишларини ўз ичига олган алоҳида дастурлар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоқда.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари**
**Федерацияси Кенгаши**
**Матбуот хизмати**

# Баркамол авлод — келажак пойдевори

(1).

***— Ҳар қандай муваффақият таққосларда намоён бўлади. Жаҳон миқёсида олиб қаралганда тиббиётимизга, хусусан, педиатрия соҳасига қандай баҳо берган бўлардингиз.***

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқларда ҳам мавжуд. Болалар саломатлигига эътибор жиҳатдан ўнта ривожланган мамлакат сафидамиз. «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишнинг самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилди.




Шунингдек, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида жаҳон стандартлари ва ЖССТ/ЮНИСЕФнинг тавсияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда болалар ёшидаги касалликларни интеграцияланган тарзда даволаш ва кузатиб бориш, перинатал ёрдамни самарали бошқариш тизимини жорий этиш дастурлари бўйича ҳам иш олиб борилмоқда.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» ҳамда Европа Иттифоқи ва ЮНИСЕФ иштирокидаги «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш» лойиҳалари доирасида республикамизнинг барча минтақасида педиатрлар, неонатологлар ва акушер-гинекологларни, шунингдек, патронаж ҳамшираларини ўқитиш бўйича минтақавий ўқув марказлари ташкил этилган. Ушбу лойиҳалар доирасида 25 минг нафардан ортиқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ўқиб чиқди. Бундай тадбирлар хавфсиз оналик, гўдакларни кўкрак сути билан парваришлаш ва оқилона овқатлаштириш, болаларнинг ўсиши ва ривожланиши мониторинги, болалар ва репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида ҳаётий муҳим микронутриентлар саплементацияси, болалар ёшидаги касалликларни интеграцияланган тарзда юритиш каби ЖССТ/ЮНИСЕФ технологияларини муваффақиятли жорий этиш имконини берди.

***— Сиз раҳбарлик қилаётган Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг ташкил этилишига қандай зарурат бор эди?***

— Марказимизда туғилганидан бошлаб 18 ёшгача бўлган болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, узлуксиз назорат қилиш, мувофиқликни сақлаш масаласи қамраб олинган.

Марказ республикада педиатрия хизмати бўйича бош муассаса ҳисобланади. Унда педиатрия соҳасида илмий-текшириш ишлари, 13 та ҳудудий болалар кўптармоқли тиббиёт марказининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ҳудудларда консултатив ёрдам кўрсатиш билан барча босқичларда болаларга тиббий ёрдам бериш самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-услубий ишлар олиб борилади.

Юқори технологик материал ва илмий базани, шунингдек, халқаро стандартларга жавоб берувчи юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган педиатрия мактабини шакллантириш фаолиятимизда кўзда тутилган асосий мақсад ҳисобланади. Бундан ташқари, Болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантириш Давлат концепциясини амалга ошириш, болаларга кўрсатиладиган юқори малакали, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни такомиллаштириш асосий йўналишлардан саналади.

Республикамиз аҳолисининг малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, марказнинг фаолияти кенгайтирилди. Клиниканинг янги бўлимлари очилди. Чақалоқлар патологияси, кардиоревматология, нефрология, болалар хирургияси, туғма ва орттирилган ЛОР касалликлари бўлимлари шулар жумласидан.

Реконструкция ва замонавий даволаш-диагностика аппаратуралари билан таъминлашга қаратилган модернизация ишлари амалга оширилганини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Юқори малакали мутахассисларимиз томонидан турли хил патологияларда туғилган болаларда кохлеар имплантация, эндоскопик ва реконструктив-пластик операциялар ўтказилмоқда. Ушбу диагностика ва даволаш усулларининг вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида ўтказилаётганлиги эътиборга молиқ.

***— Болаларнинг турли нуқсон билан туғилиш сабаби ва уни бартараф этиш йўллари ҳақида нималар дея оласиз?***

— Наслий омиллар, балоғатга етмаган қизлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ҳомила ривожига салбий таъсир кўрсатади. Соғлом турмуш тарзига риоя этиш, спорт билан шуғулланиш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ўз саломатлигига малакали муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантириш, эрта никоҳнинг олдини олиш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бу борада юртимизда бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Таъкидлаш керакки, эрта никоҳ ва унинг оқибатлари нафақат мамлакатимиз, қолаверса, халқаро миқёсда ҳам долзарб масала ҳисобланади. Негаки, эрта ҳомиладорлик жисмоний ва руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаган ёш организмга жиддий хавф солади. Шунингдек, ҳомиланинг нуқсон билан туғилишига сабаб бўлади. Шундай экан, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш нафақат соҳа ходимларининг, балки ҳар биримизнинг вазифамизга айланиши шарт ва зарурдир.

***— Азалдан аёлнинг она сифатида, баркамол фарзандлар тарбиячиси сифатидаги ўрни юқори баҳоланган ва бу муносиб эътироф этилган. Айтинг-чи, онанинг руҳий-маънавий жиҳатдан етуклиги бола саломатлигида қанчалар аҳамиятга эга?***

— Замонавий тиббиёт илми хулосасига кўра, дунёга келган чақалоқнинг келгусида ақлий жиҳатдан комилликка эришиб, улуғ аллома бўлиб етишмоғи учун имкониятлари саксон фоиз туғма бўлар экан. Қолган йигирма фоизи туғилгандан кейинги олажак таълим-тарбияси, қиладиган меҳнатига боғлиқ. Бундан англанадики, фарзанднинг қандай инсон бўлиб етишмоғи унинг ҳали она вужудида эканидаёқ деярли аниқ бўлади. Онанинг илми, салоҳияти ва заковати фарзандларда гўзал бир хусусиятларни тарбиялаш билан бирга, унинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига замин тайёрлайди. Руҳи, жисми соғлом, маънавияти юксак оналаргина соғлом авлодни дунёга келтиради.

**Рисолат МАДИЕВА**
**суҳбатлашди**

Томорқа — фаровонлик манбаи



# Жамолиддин отанинг боғи

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Яндама қишлоғи аҳли томорқадан мўмай даромад кўриш ҳадисини олган.

«Ободон» маҳалласида яшовчи Жамолиддин Насриддинов ҳам мазкур қишлоқнинг тажрибали соҳибкорларидан. У ўзининг 12 сотихли томорқасида боғ барпо этган. Айни пайтда баракали ҳосилга кирган 60 туп гилосдан яхшигина даромад кутилмоқда.

**СУРАТДА:** *Жамолиддин ота Насриддинов оила аъзолари билан боғда.*

**ЎзА фотомухбири**
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.**

Касаба уюшмалари — болаларга!

# Меҳр ва эътибор оғушида

**1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида кўплаб тадбирлар ташкил этмоқда.**

Жумладан, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан тармоқ ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 25 нафар фарзанди Хива шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

Ёш сайёҳлар кўҳна шаҳарнинг тарихий обидаларини ўзгача ҳайрат ила томоша қилдилар. Уларнинг буюк аждодларимиз, Ватанимиз тарихи ҳақидаги билими мустаҳкамланиб, тасаввурлари янада кенгайди.

**Ф.БОЛТАЕВ,**
**тармоқ ходимлари касаба уюшмаси**
**Урганч шаҳар кенгаши раиси**

***

**Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ҳам «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

«Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида Бахмал туманидаги ҳарбий қисм хизматчилари оила аъзоларидан 51 нафарининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Оналар ва болалардан иборат саёҳатчилар шаҳарнинг тарихий обидалари ва истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди. Айниқса, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ансамбли каби бетакрор ва гўзал иншоотлар уларда катта таассурот қолдирди.

Саёҳатчиларнинг мамлакатимизда ёш оилаларга, айниқса, Ватан ҳимоячиларининг оилаларига бўлган бундай эътибордан боши кўкка етди.

**Аҳрорхўжа**
**МАЪМУРХЎЖАЕВ**

Эҳтиром

# Фахрийларга йўлланмалар

**«Қашқадарё соҳили санаторийси» МЧЖда «Сиз доим эъзоздасиз» номли тадбир бўлиб ўтди. Унда сиҳатгоҳда ишлаб пенсияга чиққан фахрийлар, дам олувчилар ҳамда санаторий ходимлари иштирок этишди.**

Тадбирни жамият директори Икром Раҳимов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг санаторий маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳозирда кексалик гаштини сураётган Акрам Акбаров, Саломат Бурҳонова, Холбека Сиддиқова, Зуҳра Хузина, Лола Халилова, Фотима Эшқувватова, Гулноза Тоировага сиҳатгоҳда дам олиш учун имтиёзли йўлланмалар тарқатилди. Кўп йиллар санаторий касаба уюшма қўмитасига раислик қилган Соҳиба Арамовага ҳам эсдалик совғаси ва имтиёзли дам олиш йўлланмаси тақдим этилди.

Тадбир чоғида фахрий шифокор, вилоят врачлар ассоциацияси раиси Акрам Акбаров санаторийнинг ўтмиши, бугуни ҳақида сўз юритиб, ҳукуматимиз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ходимларни соғломлаштиришга қаратилаётган улкан ғамхўрликни эътироф этди.

Бундан ташқари, шу масканда дам олаётган Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди. Тадбир маданий дастурга уланиб кетди.

— Эътибордан жуда мамнунмиз, — деди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, қамашилик 97 ёшли Маман бобо Ҳайдаров. — Санаторийдаги шароитлар зўр. Таомлари парҳезбоп, мазали. Ходимларда дам олувчиларга нисбатан ҳурмат, юқори сифатли хизмат кўрсатиш, ўз касбига меҳр-муҳаббат устувор.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Аъзолик афзалликлари:
# Манфаатлар уйғунлигини таъминлаяпти

*Жойларда касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини ҳаётий мисоллар билан очиб бериш борасида изчил саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Бунда, айниқса, нодавлат сектор корхоналарини, унда фаолият юритаётган ходимларни қамраб олиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият касб этаётир. Энг муҳими, касаба уюшмаларидан иш берувчилар ҳам, ходимлар ҳам бирдек мамнун.*

## Янги бошланғич ташкилот тузилди

**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасаррруфидаги «Сардоба темирйўл агросаноат мажмуаси» унитар корхонаси меҳнат жамоасининг бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузиш масаласига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди.**

Уни корхона бош директори Қутлимурод Собиров кириш сўзи билан очар экан, ушбу корхона нафақат ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт ҳажмини оширишга қаратилган режаларни изчиллик билан амалиётга жорий этаётганини таъкидлаб ўтди. Қайд этилганидек, ҳозирда бу ерда 200 нафар мутахассис иш билан таъминланган. Яқин йиллар ичида эса уларнинг сонини яна минг нафарга ошириш кўзда тутилган.

Тадбирда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Тоир Нуриллаев корхонанинг бугунги фаолияти ва истиқболи борасида фикр билдириб, ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат ва дам олиш шароитини яратишга кўмаклашиш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида касаба уюшма ташкилоти тузиш ҳақидаги таклифни ўртага ташлади.

Йиғилишда ишчи-ходимларнинг хоҳиш-истаги инобатга олиниб, бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди ва унинг раиси сайланди. Шунингдек, янги касаба уюшма ташкилоти фаолиятини юритиш билан боғлиқ бир қатор ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шундан сўнг корхона раҳбари Қ.Собиров, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Т.Нуриллаев ҳамда қишлоқ хўжалиги бошқармасининг масъул ходимлари «Сардоба темирйўл агросаноат мажмуаси» унитар корхонасида олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари ва ходимлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**Фирдавс ХАЙРИДДИНОВ**



**Олти йил илгари трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширган пайтимизда орзу-ниятларимиз ҳам анчайин камтарона бўлиб, ўшанда жамоа оила аъзоларимиз ва маҳалламиздаги 5-6 нафар хотин-қизлардангина иборат эди. Ички бозорга киргач, фаолиятимизни кенгайтиришимиз ҳамда маҳсулот тури, сифати ва дизайни устида жиддий ўйлашимиз зарурлигини англадик. Бу борада бизга банк муассасаси яқиндан кўмакка келди. 200 миллион сўм кредит эвазига Хитойдан янги технологиялар келтирилди. Натижада, қўшимча иш ўринлари очилиб, кийим-кечак тури 5 тага етди.**

## Ҳамкорликнинг мустаҳкам тамойили

Саъй-ҳаракатларимиз самаралари маҳаллий ҳокимлик томонидан эътироф этилди. Ходимлар сонини кескин кўпайтириш борасидаги ташаббусимизга жавобан вилоят ҳокимининг қарори асосида корхонамиз учун 80 сотих майдон ажратилди. Ишлаб чиқаришдан топган даромадимиз эвазига яқинда икки қаватли замонавий бинони қуриб фойдаланишга топширдик. Айни пайтда ички бозор учун бир ойда ўртача 50-60 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бераяпмиз. 41 киши меҳнат билан банд. Йилнинг иккинчи ярмида улар сонини кўпайтириш ва мавжуд қувватларни ошириш юзасидан бизнес-режамиз бор.

Бир йил илгари агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Жалақудуқ тумани кенгаши раиси Анваржон Бурҳонов корхонамизга касаба уюшмасига аъзо бўлиш таклифи билан келганида, очиғи, унчалик хушламаган эдим. Бироқ аъзолик афзалликлари ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишганимдан сўнг фикрим ўзгарди.

Тушуниб етдимки, ходимларнинг вақти-вақти билан рағбатлантириб турилиши уларнинг иш жойини иккинчи уй сифатида қабул қилишларида, меҳнатга бўлган муносабатда муҳим ўрин тутар экан. Корхонамизда касаба уюшма қўмитаси тузилиб, жамоа шартномаси имзолангач, нафақат тикувчилар, балки иш берувчи сифатида менга ҳам бир мунча енгилликлар туғдирди. Негаки, мажбуриятларим муайян тартибга тушиб, хизмат доирасида вазифаларнинг изчил бажарилиши, меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Бугун ҳар бир киши иш вақти, имтиёзлар, ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Корхонамизда жамоа шартномаси асосида ходимлар учун махсус кийим-бош, овқат таъминоти ҳамда транспорт хизмати йўлга қўйилди. Ишга янги қабул қилинган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун қўшимча имтиёзлар белгиланган. Ойлик режани уддалаган ва маҳсулот сифатига жиддий ёндашувчи хотин-қизлар мукофот пули билан тақдирланади. Бу тажриба улар ўртасида ижобий рақобат муҳити юзага келишига, иш унуми ошишига хизмат қиляпти. Шунингдек, йилда икки бор вилоятнинг ҳамда Фарғона водийсининг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

Ўтган йили икки нафар ходим йўлланма асосида «Чимён» санаторийсида саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди. Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз каби қатор байрам саналарида илғор ишчиларимиз Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Жалақудуқ тумани кенгашининг совға-саломларидан бенасиб қолишмаяпти. Ёз мавсумида меҳнаткашларнинг фарзандларини «Оқ булоқ» оромгоҳида дам олдиришни режалаштирганмиз.

Муҳими, инсон омилига эътибор ютуқларга гаров бўлишини тажрибамиздан ўтказяпмиз. «Касаба уюшмаларига раҳмат!» деган миннатдорлик туйғуси — биргина менинг эмас, барча аъзоларимизнинг хулосасидир.

**Тўланбой РАИМОВ,**
**Жалақудуқ туманидаги «Lux textile» хусусий корхонаси раҳбари**

## Муҳими, ходим миннатдор

**Кўпчилик яхши биладики, Бухорода узлуксиз сув таъминотига эришиш ғоят муҳим масалалардан биридир. Айниқса, аграр соҳа ривожига назар ташланса, ушбу жиҳат янада ойдинлашади. Эътиборли томони, воҳада деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ривожланиш кўзга ташланмоқда. Шундай жабҳада бизнинг жамоамиз, яъни Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси мутахассисларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.**

Зиммамизга юклатилган масъулиятли ва шарафли вазифани бажариш йўлида 701 нафар касаба уюшма аъзоси фидокорона меҳнат қилаяпти. Уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш, қулай меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашда 2016 — 2018 йиллар учун имзоланган жамоа шартномаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тегишли қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

Касаба уюшма аъзолиги афзалликларидан тўлиқ фойдаланаётган ходимларимиз кайфияти яхши, меҳнатида унум бор. Эътиборли томони, маъмурият янги ходимни ишга қабул қилишда, албатта, касаба уюшма қўмитаси билан маслаҳатлашади. Муаммолар эса, маълумки, ҳамкорликда ечим топади. Лозим даражада қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратилади. Белгиланган тартибда мутахассисларнинг малакаси оширилади, шаҳодатдан ўтказилади. Ходимлар махсус кийим ва пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади. Улар иш берувчи маблағи ҳисобига мажбурий суғурталанган. Ҳар бир участка ва насос станциясида дам олиш, ювиниш хоналари, ошхона мавжуд. Фаолиятимиз талабига кўра, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси талабларига жиддий эътибор билан қаралади. Бу эса турли кўнгилсиз ҳолатлар олдини олишда муҳим омил вазифасини ўтаяпти.

Жамоа шартномаси асосида меҳнатда алоҳида ибрат кўрсатган, тежамкорликка эришган ходимлар қўшимча рағбатлантирилаяпти. Бу борада машинист, электрик, чилангар, қурувчи ва пайвандловчиларнинг хизматлари алоҳида инобатга олинади. Хуллас, касаба уюшма аъзоларига қўлланилаётган афзалликлар доираси йил сайин кенгайиб бораётгани ходимларимизни мамнун этмоқда. Йилнинг дастлабки чорагида ходимларимиздан Одил Қобилов, Ўктам Бозоров, Ҳожимурод Қаххоровлар имтиёзли йўлланмалар билан санаторийларда дам олиб, саломатлигини тиклаб қайтди. Улар қатори эҳтиёжманд техник-энергетигимиз Гулзода Ҳазратова ҳам касаба уюшмасининг бепул йўлланмасидан баҳраманд бўлди. Белгиланган тартибда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам бериб келаяпмиз.

Ходимларимиз ўртасида маданий-маърифий тадбирлар, оилавий спорт мусобақаларига эътибор кучайтирилмоқда. Йил бошида «Соғлом оила» беллашувлари муваффақиятли ташкил этилди. Аъзоларимиз бўш вақтини мини-футбол, шахмат-шашка мусобақалари, тренажёр залида мазмунли ўтказмоқда.

Бултур ходимларимизнинг 12 нафар фарзанди оромгоҳда дам олдирилган бўлса, жорий йилда уларни 30 нафарга етказиш чорасини кўраяпмиз. Саёҳатлар мавсуми авж палласида. Яқин кунларда 50 нафар ходимни мамлакатимизнинг тарихий жойларига олиб бориш, сўлим гўшаларида дам олдириш тадбирларини ҳам амалга оширамиз. Мақсадимиз — ҳар бир аъзо имтиёзлардан баҳраманд бўлиб, соғлом ва фаровон ҳаёт кечирсин.

**Нурали ШАРИПОВ,**
**Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

**Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурлари ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширишда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор.**

## Ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Жиззах туман кенгаши томонидан нодавлат секторидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиш, шу орқали улар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар ана шу мақсадга қаратилган. Жорий йил ўтган даврида тумандаги 26 та хўжалик субъектида, жумладан, 24 та фермер хўжалиги ва иккита корхонада меҳнат қилаётган 281 нафар ходим аъзоликка жалб этилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

«Ўзпахтасаноат» АЖнинг «Жиззахпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ ташкил этилгач, мазкур жамоада меҳнат қилаётган 33 нафар ходим касаба уюшма хизматига олинди. Айни пайтда барча жамоа шартномалари орқали ижтимоий-иқтисодий имтиёз ва қулайликлардан фойдаланаяпти. Тармоқ ходимлари шаҳар ва туман касаба уюшма кенгашлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка жалб этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ўз натижасини бераётир.

Ўтган даврда вилоят бўйича 183 та хўжалик субъектида, жумладан, 181 та фермер хўжалигида ва 2 та корхонада меҳнат қилаётган 1093 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига жалб этилди.

Айни вақтда касаба уюшма хизматига олинган ходимлар жамоа шартномалари орқали имтиёз ва қулайликлардан кенг фойдаланиши таъминланмоқда.

**Акбархон ТУРСУНОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

## Изчил фаолият самараси

**Корхонамиз фаолият бошлаганига ўн йилдан ошди. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 800 минг жуфт пойабзални ташкил этади. Иш жараёнида замонавий дастгоҳлардан фойдаланамиз. Маҳсулотларимиз ички бозорга чиқарилиши баробарида, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинаётир.**

2013 йилдан буён корхонамизда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 60 нафардан зиёд ходими учун барча шароит яратилган. Юз ўринли ошхонамизда бепул тушлик ташкил этилган. Бундан ташқари, ходимларимизнинг ишга келиб-кетиши учун махсус транспорт воситаси ажратиб берганмиз.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсиз иш ўринлари яратиш борасидаги келишувга мувофиқ барча талаблар бажарилишига ҳаракат қиляпмиз. Жорий йилда цехларни ёритиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилиб, электр ёритиш ускуналари ўрнатилди. Шунингдек, жамоа шартномасига асосан ҳар бир ходим махсус кийим-бош билан таъминланган.

Ходимлар иш ҳақига қўшимча тарзда моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб келинмоқда. Ишловчиларга ҳар йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бериш йўлга қўйилган. Туман тиббиёт бирлашмаси билан тузилган шартномага мувофиқ ишловчилар корхона ҳисобидан бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Уларни соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ўтган йилда икки нафар ходим имтиёзли йўлланма билан сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда жамоамиз сафига махсус касбга эга бўлган коллеж битирувчиларидан 5 нафарини жалб этаяпмиз.

Хуллас, ходимларнинг унумли ишлаши, дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлашида касаба уюшмаси билан ҳамкорликда амалга ошираётган тадбирларимиз ўз самарасини бераётир.

**Фахриддин АМИНОВ,**
**Ургут туманидаги «Камангарон» Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси директори**

**Ҳар бир инсон, қайси соҳада бўлмасин, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси талабларига мос қулай иш шароитига эга бўлишни, ойлик маошини вақтида олишни ҳамда турли ижтимоий қўллаб-қувватлашлардан фойдаланишни истайди.**

## Муносиб меҳнат сари

Албатта, касаба уюшма ташкилотига аъзо бўлиш кўплаб афзалликларни яратади. Бунда эса жамоа шартномаси асосий рол ўйнайди. Ушбу ҳужжат иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат муносабатларини тартибга солади, ходимлар ҳуқуқий манфаатини таъминлайди.

«Навоийдонмаҳсулотлари» АЖда 657 нафар ходим меҳнат қилиб келмоқда. Жамоа шартномаси бандларини тўлиқ бажариш, жумладан, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасини таъминлаш, моддий рағбатлантириш, умумхалқ байрамларида тадбирлар ўтказиш, ходимлар соғлигини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш эса, охир оқибат унумдорликка хизмат қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Якунига етган чоракда жамиятимизда ходимлар учун 120 ўринли ошхона ва гигиена хонаси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилиб, касаба уюшма қўмитаси томонидан барча спорт жиҳозлари олиб берилди.

Жамиятимизда ҳар ҳафтанинг жума куни «Меҳнат муҳофазаси куни» сифатида белгиланган бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишлари, давра суҳбатлари ташкил этилаяпти.

Ишчиларнинг соғлом бўлиши иш унумдорлигининг ошиши ва корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу йўналишда сарфланган маблағ самарадорлигини бемалол юқори баҳолаш мумкин.

**Отакул ҚУДРАТОВ,**
**«Навоийдонмаҳсулотлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси**

### Ходимлар диққатига!
## Касаба уюшмасига қандай аъзо бўлиш мумкин?

Касаба уюшмасига аъзо бўлиш жуда оддий.

Агар сиз меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, муассасада касаба уюшмаси ташкилоти тузилган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси)га ариза билан мурожаат этинг.

Касаба уюшмаси қўмитаси (касаба уюшма ташкилотининг умумий йиғилиши) аризангизни кўриб чиқиб, сизни аъзоликка қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва сизга ягона намунадаги аъзолик билети берилади.

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш санаси тегишли қарор қабул қилинган кундан ҳисобланади.

Агар сиз аъзоликка қабул қилингандан сўнг бир тармоқ тизимидаги корхона, ташкилотдан бошқа тармоқ тизимидаги корхонага ишга, тегишлича бир тармоқ касаба уюшмасидан бошқа тармоқ касаба уюшмасига ўтсангиз, меҳнат фаолиятингизни вақтинча ёхуд бутунлай тўхтатсангиз, касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани узмаслик ва аъзолик бадалларини тўлаб туриш шарти билан, касаба уюшмасига аъзолигингиз сақланиб қолинади.

Касаба уюшмаси аъзоси:

касаба уюшмаларидан бепул ҳуқуқий ёрдам олиш, давлат, суд ва мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик органларида меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмаларининг ҳимоясида бўлиш;

касаба уюшмалари органларига сайлаш ва сайланиш, юқори касаба уюшмалари органларига мурожаат этиш;

касаба уюшмалари томонидан ташкил этиладиган тадбирларида иштирок этиш, ўз фикрини эркин баён қилиш, ўз фаолиятига тааллуқли масалалар кўрилаётган мажлис, йиғилиш ёки конференцияларда шахсан иштирок этиш;

касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторий ва дам олиш масканларида ўз саломатликларини тиклаш, фарзандларини болалар оромгоҳларида дам олдириш бўйича имтиёзли йўлланмалар олиш, касаба уюшмаларининг маданият муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланиш ҳуқуқларига эга.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг Уставларига риоя этиш, касаба уюшмаси органлари қарорларининг, жамоа шартномалари ва келишувларининг бажарилишига кўмаклашиш, касаба уюшмалари фаолиятида фаол иштирок этиш касаба уюшмаси аъзосининг бурчи ҳисобланади.

**Манба: kasaba.uz**

# Озод юртнинг бахтиёр ёшлари





ЎзА суратлари

↖(1).

— Фарғона аҳли спорт мусобақаларига жиддий ҳозирлик кўрганини аэропортдан тушишимиз биланоқ ҳис қилдик, — дейди мусобақа фахрий меҳмони, бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Очилиш маросими ва бошқа тадбирлар талабалар кайфиятини янада кўтариб юборди. Бу эса дўстлик ва ҳамжиҳатлик шиори остида ўтадиган мусобақалар янада чиройли кечишидан далолатдир.

Ташкилотчилар мусобақа кунлари маданий тадбирларни ташкил этишга астойдил киришган. Спортчилар Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиб, миллий меъморчилик ёдгорликларини ҳам бориб кўришади.

Жумладан, ёшлар мустақиллигимиз иншоотлари бўлмиш «Театр» концерт ҳамда «Сув спорти» саройларида бўлишди.

— Универсиада баҳсларида иккинчи марта қатнашяпман, аммо бу галги таассуротларим бир олам, — дейди Қарши давлат университети 4-курс талабаси Дилобар Саидова. — Меҳмондўст фарғоналикларнинг бунёдкорлик ишларини кўриб, юртга бўлган меҳрим янада ортди. Айниқса, Марказий Осиёда ягона бўлган «Театр» саройи ҳайратга солди. Президентимизнинг бу нуфузли спорт ўйинлари иштирокчиларига табриги байрам руҳини ошириб юборди, ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлади.

Мусобақа иштирокчиларининг мароқли дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун Фарғона давлат ва Фарғона политехника университетларида кичик саҳналар ташкил этилиб, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Уларда эл севган санъаткорлар, ижодкорлар ва иқтидорли ёшларимиз қатнашади. Кечки дастурлардан эса ҳужжатли ва бадиий филмлар намойиши ўрин олган.

Бугунгача "Универсиада — 2016" республика спорт мусобақаларида сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика ва юнон-рум кураши, дзюдо баҳсларида дастлабки ғолиблар аниқланди.

— Универсиада мусобақаларида ғолиб бўлганимдан хурсандман, — дейди дзюдо бўйича беллашувлар ғолиби қорақалпоғистонлик Шарофиддин Болтабоев. — Талаба-ёшларнинг мазкур спорт ўйинларига пухта тайёргарлик кўрдик. Универсиада ўйинлари биз, ёш спортчилар учун нафақат мусобақа майдони, балки тажриба алмашиш, маҳоратимизни ошириш учун катта имконият ҳам яратди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу баҳсларда 891 нафар иштирокчи спортнинг 15 тури бўйича ўзаро беллашмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Оила мактаби

**Шаҳару қишлоқларимизда турли ўқув марказлари кўпайгандан кўпайиб боряпти. Аксариятининг муддаоси бир хил: қизларни бахтли ҳаётга, аникроғи, келинликка тайёрлаш. Турфа ҳунару оилавий муаммоларни ҳал этиш кўникмасини ҳосил қилиш курсларидан тортиб, нозик муомала сирларини ўргатувчи, келинликка руҳий тайёрловчи ўқув гуруҳларигача фаолият юритмоқда. Бу яхши, албатта. Пазанда, чевар, ширинсўз, ҳамширалигу тадбиркорлик қўлидан келувчи келин кимга ёқмайди дейсиз?**

# Келин эпли бўлсин! Куёв-чи?..

Айниқса, ҳозиржавоб замонда бундай «темир келин»лар айни муддао. Келиннинг олий маълумотли бўлиши ҳам муҳим шартлардан эканлигини унутмайлик! Бундай талаб ўринлидир. Чунки болага иқтидор, билим, салоҳиятнинг 85 фоизи онадан ўтиши исботланган.

Беихтиёр савол туғилади: бугун оталикка йўлланаётган йигитларимиз, аввало, ўзларини оила саҳнасида қандай «актёр» сифатида тасаввур қилаётир? Бугунги куёвлар ёхуд эртанги оталарнинг қўлида қандай ҳунари бор? У бир оила қўрғонининг соябони бўлишга қодирми? «Бир кунимни кўрарман...» деган таваккалнинг бошидан тутиб уйланаётган йигитлардан оталик, эрлик масъулиятини талаб қила оламизми?

Фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилаётган ажрим ишларининг аксариятига оила қуришга иқтисодий-руҳий омилнинг етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда.

«Йўриғимга солишим осон бўлади» деган ўйда баъзи қайноналар 17-18 ёшли қизларни келин қилишмоқда. Жисми, интеллекти ҳали она бўлишга тайёр бўлмаган навниҳоллар эса тўйидан бир йил ўтмасиданоқ қўлида чақалоғи билан «эпсиз»га чиқмоқда. Уйқусиз тунлар ўз таъсирини кўрсатаётган паллада келишмовчилик, енгил-елпи жанжаллар, руҳий зўриқишлардан зерикиб оила қўрғонини бузишга қарор қилишаётгани шунданмасмикан?

Оиланинг буюклиги, никоҳнинг муқаддаслиги ҳақидаги тушунтириш, ўгит-насиҳатлар кимгадир таъсир этаётир, кимга эса йўқ.

«Бешта қайниопам бор. Уйимизда ҳамма нарсани улар ҳал қилишади, — дея қарорини изоҳлайди бир келинчак. — Эримнинг феъли яхши, ёмон одати йўқ, аммо опаларининг гапи билан иш тутади. «Ур» дейишса, аёвсиз калтаклашдан ҳам тоймайди, ёқмай қолсам, «кўчага ҳайда» дейишса, уйимга жўнатади. Менга бунақанги «аммамнинг бузоғи» керак эмас, ажрашаман!»

«Оиладаги вазиятни юмшатишга, эрингизнинг яқинлари қалбига йўл топишга ҳаракат қилиб кўрмадингизми? Турмуш қурганингизга эндигина бир йил бўлибди. Бу ёқда фарзандингизнинг тақдири-чи?», дея йўлга солмоқчи бўламиз.

«Нега фақат мен ҳаракат қилишим керак? Улар-чи?..»

Оиланинг нақадар муқаддаслигини тушуниб етмаган, уни асраш учун йиллар давомида сабр отлиғ арқонни узун ташлаш кераклиги онгига сингдирилмаган бу келинчакни йўлга солиш, яна бир оилани асраб қолиш осон кечмади.

* * *

Шу ўринда ҳуқуқий тарғибот учрашувларида кўп бериладиган, айни пайтда айрим ёшларнинг муаммосига айланаётган яна бир саволга тўхталиб ўтиш жоиз. Келин ҳақиқатдан ҳам куёв оиласининг ҳеч қандай ҳуқуқсиз бир аъзосими?

«Оилам бузилиб кетяпти. Болам ҳам қайнота-қайнонамнинг кўнглини юмшата олмади. Уйдан чиқариб юборишди. Фарзандим билан кўчада қолдим. Энди қаерга бораман?..» Бу аксарият келинларнинг илтижоли мурожаати.

Никоҳ бекор қилинмай туриб ҳам келинни уйдан ҳайдаб солишга ҳаракат қилишади. Изоҳ битта: келиннинг уйда ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Аслида ҳам шундайми?

Бу каби ҳолатларни бошидан кечираётганларнинг энг катта хатоси — бизнингча, қонундан бехабарлик. Зеро, бу муаммонинг ечими қонунчилик соҳасида батафсил ёритилган.

Уй-жой кодексининг 32-моддасида баён этилганидек, «уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар».

Кўпинча уй эгаси сифатида қайнота ёки қайнона кўрсатилади-да, ўғлининг турмуш ўртоғини ҳуқуқсиз санашади. Ваҳоланки, ўғил никоҳдан ўтиб, оиласи ҳисобланган хотинини уй мулкдорининг розилиги билан ўзи яшаётган уйга кўчириб киритган ва рўйхатдан ўтказган. Ўша кундан бошлаб келин ҳам уйдаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам бу уйда яшаш, яъни тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Яшаётган уйидан чиқиб кетишни никоҳ бекор қилинмай туриб, ҳатто никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам талаб қилиш қонунга зиддир. Уйдан чиқаришга қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирда, фақат суднинг қарори билан йўл қўйилиши мумкин.

Агар аёлнинг мазкур уйда тинч ва келишувда яшаш имкони бўлмаса, судга ариза билан мурожаат этиб, уйда яшаш, умумий фойдаланиш мумкин бўлган хоналарни белгилатиб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Бошпанасиз қолмаслик учун аёллар ўзларининг тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқидан хабардор бўлиш баробарида, никоҳ шартномаси имкониятларини ҳам билиши фойдадан холи эмас.

Оила кодексининг 29- ва 30-моддаларида никоҳ шартномаси, уни тузиш, мазмуни ва аҳамияти белгиланган. Бу шартномани никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, ундан кейин ҳам тузиш мумкин. Шартнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Агар аёл қонуннинг бу жиҳатидан ўринли фойдаланиб, иш ажрашишга бориб етгунча, эри билан никоҳ шартномаси тузишга эришса ва шартномада «уй-жой билан таъминлаш мажбурияти эрининг зиммасига юкланиши»ни белгилатса, бошпанасиз қолиш эҳтимолидан қутулади.

***

Биз оила қўрғонига рахна солаётган айрим муаммоларга эътибор қаратдик. Мақсадимиз эса битта: тинч, осойишта оила қўрғонини сабр ғиштларидан матонат билан қура олинг. Бу маконда фақат қувончли ташвишлар саси, беғубор кулгилар овози таралсин!

**Иқбол КЎЧКИНОВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича**
**Чуст туманлараро суди судяси**

Солиқ

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётимиз таянчи. Зеро, бугун истеъмол бозорида эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми хусусий секторда ишлаб чиқарилмоқда. Соҳа истиқболини сармояларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими мавжуд.**

# Имтиёз ва имконият

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкаси 2016 йилда эса 5 фоизгача пасайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари тадбиркорлик учун кенг имтиёзлар яратиш, уларни рағбатлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур солиқ ва божхона имтиёзлари тадбиркорларимиз учун янги ишлаб чиқаришларни жалб этишга, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хомашё ва материалларни харид қилиш, киритилган инвестицияларни қоплашга, шунингдек, кредитларни тўлашда катта ёрдам беради.

Тошкент шаҳар давлат солиқ органлари, хусусан, Олмазор туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар билан мунтазам равишда ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида соҳа вакилларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар, солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиб-тамойиллари ҳақида тушунтиришлар бериб борилаётир.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, солиқ ва божхона имтиёзлари натижасида кўплаб корхоналарда ҳар томонлама жадал ривожланиш намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш асносида аҳоли бандлигини таъминлаётган, ички ва ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан бойитишга ҳисса қўшаётганлар орасида туманимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

**Р.ТАШМЕТОВ,**
**Олмазор туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари**

# Маънавият сарчашмаси



↖(1).

Маросимда сўз олган ташкилотчи, шоир, ёзувчи ҳамда санъаткорлар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, миллий-маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш, халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий юксалишига берилаётган эътиборни эътироф этиб, халқимизнинг яхши фазилатларидан бири — китобга бўлган эҳтиром экани ҳақида сўзлашди. Китоб байрами мазмун-моҳияти, мақсади, иштирок этаётган нашриётлар, режалаштирилган тадбирлар тўғрисида йиғилганларга маълумот берилди.

— Тадбирда 50 дан зиёд турли йўналишдаги китоблар билан иштирок этаяпмиз, — дейди «Akademnashr» ходими З.Усмонова. — Бу китобларнинг аксарияти янги чоп этилган. Китоб байрамида ҳар йили шундай қизиқарли янги нашрларни тақдим этамиз. Ҳар йили тадбир доирасида эълон қилинадиган «Йилнинг энг яхши китоби» танловида бир неча номинациялар бўйича фахрли ўринларни эгалладик. Ўтган йили «Болалар ва ўсмирлар адабиёти» йўналишида 1-ўрин, «Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти» йўналишида 2-ўринга сазовор бўлдик. Бу эътибор нашриётимизда ишловчи ходимларга ҳам катта куч бағишламоқда.

Китоб байрамига келган пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонлар китоб савдоси, тақдимоти билан бир қаторда нашриёт-матбаа ижодий уйлари ва соҳада фаолият юритаётган етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўргазмали стендлар, улар фаолиятини акс эттирувчи видеолавҳаларни томоша қилишди.

Нашриётлар томонидан байрам иштирокчиларига оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш мақсадида «Болаларда китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар» номли флайерлар тақдим этилиб, «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзуида сўровномалар ўтказилди.

Байрамнинг «Китобсеварларни қутлаймиз» деб номланган бадиий қисмида таниқли санъаткорлар, ёш иқтидор соҳиблари ижросида концерт дастури намойиш этилди. Республика ёш томошабинлар театри ҳамда қўғирчоқ театри жамоаларининг саҳна кўринишлари болажонларга бир олам қувонч улашди. Тадбир доирасида таниқли адиблар билан мулоқот, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг мушоиралари ўтказилди. «Китобдан яхши дўст бўлмас», «Менинг биринчи китобим» каби мавзуларда интеллектуал викториналар ташкил этилиб, ғолиблар тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, байрамга ташриф буюрган ёшлар билан суҳбатлашдик.

**Соҳиба ШИХНАЗАРОВА,**
**ЎзМУ талабаси:**

— Китоб байрамида биринчи марта иштирок этишим. Таассуротларим бир дунё. Жаҳон андозаларига мос дид билан безак берилган, маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган китобларни кўриб, уларга меҳрим ошди. Ушбу тадбирда ўзимга манзур бўлган китобларни харид қилдим. Жумладан, Герберт Уэлсснинг «Доктор Моро ороли», Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Иқбол Мирзо каби шоирлар шеърий тўпламлари кутубхонамни бойитди. Байрамга бобобувилари билан ташриф буюрган болажонларнинг кўзларидаги китобга бўлган чексиз меҳрни кўриб, маънавияти, маданияти бой миллат фарзанди эканимдан фахрландим.

**Ирода РАҲМОНАЛИЕВА,**
**Чиноз туманидаги 22-мактаб ўқувчиси:**

— Китоб байрамида 3 йилдан бери қатнашаман. Бу йилги тадбирга синфдош дугоналарим билан келдик. Байрам ҳар галгидан кўра файзлироқ, оммабоп ўтаяпти. Китобларнинг ранг-баранглигини кўриб, барчасини сотиб олгингиз, ўқиб, маънавий оламингизни бойитгингиз келади. Тенгдошларимни китоб деб аталмиш сеҳрли оламга дўст бўлишга чорлайман.

Тадбирнинг иккинчи куни «Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманда ноширлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий асослари, ноширлик иши: мазмун ва моҳият, болалар адабиётини нашрга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, баркамол авлодни тарбиялашда китобнинг ўрни каби мавзулар муҳокама этилди.

Шунингдек, ташкилотчилар томонидан «Йилнинг энг яхши китоби» ва «Намунавий китоб дўкони» республика кўрик-танлови эълон қилинди. Танлов якунига кўра ғолиб ва совриндорлар жорий йилнинг ноябр ойида аниқланади.

Айтиш жоиз, уч кун давом этадиган Китоб байрами халқимиз учун чин маънода маънавият байрамига айланди. Унинг шукуҳи дилларда муҳрланади.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**Давронбек ОРИПОВ,**
**«Ishonch» мухбирлари.**
*Икром ҲАСАНОВ олган сурат*



**Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот кутубхона марказида ташкил этилган Китоб байрами тадбирлари ҳам катта тантанага айланди. Унда таниқли ижодкорлар, талабалар, коллеж ўқувчилари қатнашди.**

Дастур доирасида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлимлари, нашриётлар, оммавий ахборот воситалари томонидан учрашув, давра суҳбатлари ва танловлар ўтказилиб, кўргазмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, ёзувчи ва шоирлар Қамчибек Кенжа, Ҳабиб Сиддиқ, Хуршидабону, Нусрат Абдусалом ва бошқалар китобхонлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Ҳарбий хизматчилар оилалари ўртасида ўтказилган «Энг яхши китобхон оила» кўрик-танлови ҳам барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Эътиборли жиҳати, байрам арафасида Андижон шаҳрининг Алишер Навоий шоҳкўчасида замонавий «Китоб олами» савдо мажмуаси очилди. Барча қулайликка эга дўкон пештахталаридан икки мингга яқин номдаги 25 мингдан зиёд босма маҳсулотлар жой олди. Ҳамёнга жойлаш мумкин бўлган мўъжазгина асарлардан тортиб катта ҳажмда чоп этилган китоблар эътиборни тортади.

— Мажмуада ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини кўриб беҳад қувондим, — дейди меҳнат фахрийси Иброҳимжон Холматов. — Ёшим етмишдан ошди. Ҳануз ўқишни канда қилмайман. Бугун ҳам набираларим билан билан бирга янги асарлар харид қилдик.

Вилоятдаги таълим муассасаларида «Китоб маънавият ва маърифат булоғидир» мавзусида маърифий тадбир, Андижон давлат университетида «Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси» мавзусида семинар ташкил этилди. Фаол иштирокчилар ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг китоблари билан тақдирланди.

**Нурилло НУЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.*

РЕКЛАМА

*Аукцион савдолари хабарномаси*

**«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

2016 йил 29 июн куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар хўжалик судининг 04.04.2016 йилдаги 10-1618/3402-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «O'ZKOMMUNMASHTA'MINOT» ОАЖ кредиторларининг 26.05.2016 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 26.05.2016 йилдаги 44-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги мулклари ЛОТ тартибида қўйилмоқда. 1-ЛОТ. МАЗ-5433 русумли 1987 йилда и/ч, д/р 10 AR 477 автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси — 5 950 000 сум; 2-ЛОТ. МАЗ-9380 русумли, 1987 йилда и/ч, д/р 10 С 133 тиркама ва ярим тиркамалар бошланғич баҳоси — 1 220 000 сум; 3-ЛОТ. МАЗ-9380 русумли, 1986 йилда и/ч, д/р 10 В 152 тиркама ва ярим тиркамалар бошланғич баҳоси — 1 220 000 сум; 4-ЛОТ. Москвич-2141 русумли, 1993 йилда и/ч, д/р 10 AL 136 автомашинаси бошланғич баҳоси — 586 000 сум; 5-ЛОТ. Москвич-412 М 9028 русумли, 1991 йилда и/ч д/р 10 AG 173 автомашинаси бошланғич баҳоси — 626 000 сум; 6-ЛОТ. ЗИЛ-431410 русумли, 1989 йилда и/ч, д/р 10 АЕ 920 юк автомашинаси бошланғич баҳоси — 1 528 745 сум; 7-ЛОТ МАЗ-5429 русумли, 1986 йилда и/ч, д/р 10 АЕ 918 юк автомашинаси бошланғич баҳоси — 5 950 000 сум; 8-ЛОТ. МАЗ-5335 русумли, 1986 йилда и/ч, д/р 10 АЕ 916 юк автомашинаси бошланғич баҳоси — 5 950 000 сум;

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси ўтказилмагна ЛОТ буйича такрорий аукцион савдоси 2016 йил 6 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2016 йил 29 июн кунидаги савдо учун 28 июн кунига кадар, 2016 йил 6 июл кунидаги савдо учун 5 июл кунига кадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташкари) соат 10:00 дан 16:00 га кадар кабул килинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳукукий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Тел: 0 (371) 233-21-18, E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263.

**Хизматлар лицензияланган.**

## КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Юртимиз кимёгарларини Кимёгарлар куни билан самимий қутлайди. Соҳа ривожида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган барча меҳнат жамоаларига омад ва зафарлар тилайди. Оилавий хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Рўзғорингиздан барака аримасин! Ватанимизнинг порлоқ истиқболи йўлидаги ишларингизда улкан ютуқлар ҳамроҳ бўлсин.*





## «ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ»

### УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимизда кимё соҳасида хизмат қилаётган меҳнат жамоалари ва соҳа ходимларини касб байрами — **КИМЁГАРЛАР КУНИ** билан самимий табриклайди.

Шарафли касбда меҳнат қилаётган фидойи инсонларга соғлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайди. Мустақил Ватанимиз иқтисодини янги марраларга кўтариш, соҳа ва саноатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!





## «ЖИЗЗАХПЛАСТМАССА»

### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ РАҲБАРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча кимё соҳаси вакилларини касб байрамлари билан табриклайди. Юрт тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз янада юксак чўққиларга кўтарилсин. Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ҳамда хотиржамлик сизларни тарк этмасин.



## «АММОФОС-МАКСАМ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



*Жамоамиз ишчи-ходимлари ва соҳада самарали меҳнат қилаётган инсонларни касб байрами билан табриклайди.*

Мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашда сидқидилдан хизмат қилаётган сиз, азизларга оилавий бахт, кўтаринки кайфият тилаймиз.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТ «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ҲАЖ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



**Мамлакатимиз кимё соҳасида хизмат қилаётган заҳматкаш инсонларни КИМЁГАРЛАР КУНИ билан самимий табриклайди. Мустақил Ватанимиз иқтисодини юксак марраларга кўтаришга, кимё саноати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган сиздек фидойи инсонларга соғлик-омонлик, меҳнат фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 313-86-87
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-90) 910-54-05
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Toshev
**Navbatchi:** N.Mahamov
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:20**
Topshirildi — **22:00**

1 2 4 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
20734 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133